



## XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

100120, Guliston sh., Islom Karimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: [sirdarvo@exat.uz](mailto:sirdarvo@exat.uz)

2021 yil 15 aprel

135/21-6-son

Guliston sh.

### Вилоятда янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли қарори, вилоят ҳокимининг 2021 йил 17 мартдаги 85-сонли қарори ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли ва вилоят ҳокимининг 2021 йил 17 мартдаги 85-сонли қарорлари ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Жорий йилда Мирзаобод, Боёвут, Гулистон ва Сайхунобод туманларида янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналари рўйхати *1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов) ва “Сирдарё вилояти кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси директори (О.Жумабеков)ларга;

Мирзаобод, Боёвут, Гулистон ва Сайхунобод туман ҳокимликлари билан биргаликда янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналари бўйича белгиланган ишларни амалга ошириш, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарорларга ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Мирзаобод, Боёвут, Гулистон ва Сайхунобод туманларидан сайланган депутатларга;

худудларда амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш ҳамда Кенгаш ҳузуридаги тегишли доимий комиссиялари муҳокамаларида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини ташкиллаштириш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримовга ва ижросини назорат қилишни Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси

М. Ходжиев

Халк депутатлари Сирдарё вилояти  
Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги  
135/21-6-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Вилоят ҳудудида 2021 йилда янги ташкил этилаётган кичик саноат зоналари  
РЎЙХАТИ**

<b>№</b>	<b>Ҳудудлар номи</b>	<b>Кичик саноат зоналар сони</b>	<b>Кичик саноат зонаси жойлашган манзил</b>	<b>Балансда сақловчи</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
<b>Жами</b>		<b>4</b>			<b>16,9</b>
1.	Мирзаобод тумани	1	“Наврўз” МФЙ	Туман ҳокимлиги	8,7
2.	Боёвут тумани	1	“Бекаат” МФЙ	Туман ҳокимлиги	1,4
3.	Гулистон тумани	1	“Аҳиллик” МФЙ	Туман ҳокимлиги	3,0
4.	Сайхунобод тумани	1	“Фаровон” МФЙ	Туман ҳокимлиги	3,8